# Маблағларининг мақсадли сарфланиши назорати кучайтирилмоқда

*Ички аудит бошқармасининг 2024 йилнинг I ярим йилликдаги фаолияти тўғрисида маълумот*

Солиқ қўмитаси томонидан тизимли равишда солиқ хизмати тузилмаларида бюджет ва жамғарма маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан амалий назорат тадбирлари давом эттирилмоқда.

Жумладан, қўмитанинг Ички аудит бошқармаси томонидан 2024 йилнинг I ярим йиллигида 17 та солиқ органи тузилмаларида ўтказилган назорат тадбирларида аниқланган молиявий хато ва камчиликларнинг 2 427,8 млн сўми тўлиқ бартараф этилди.

Камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари қўлланилиб, тегишли ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди.

Келгусида камчиликларнинг олдини олиш мақсадида масофавий назоратни **рақамлаштириш** ва ходимларнинг касбий малакасини ошириш ишлари режа асосида давом эттирилмоқда.

**Ички аудит бошқармаси**